Марказий ионни қуршовини аниқлаш учун кобальт (II) ацетат комплекси диффуз қайтарилиш спектрлари ёрдамида ўрганилган. Жадвал 3.1 да диффуз қайтарилиш спектрлари таҳлили натижалари келтирилган. Олти координацияланган октаэдрик ёки псевдооктаэдрик бирикмалар уч турдаги ўтишлар намоён қилади  $\nu_1 - {}^4T_1 ({}^4F) \rightarrow {}^4T_2q$ ,  $\nu_2 - {}^4T_1 ({}^4F) \rightarrow {}^4A_2 q$ ,  $\nu_3 - {}^4T_1 ({}^4F) \rightarrow {}^4T_1q (P)$ , уларнинг бирортаси ҳам энергия бўйича  $10Dq$  га мос келмайди; аммо  $\nu_2 - \nu_1$  энергиялари фарқи  $10Dq$  га тенг [143, бет 116].

1,9-2,2 интервалда  $\nu_2 / \nu_1$  энергиялар нисбати икки валентли кобальтнинг олти координацион бирикмаларига яқин бўлади. Қиймати кўра энг юқори энергия  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{HK} \cdot \text{AA} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли комплексда ва энг кичик энергия  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{TK} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$  бирикмага хос.

Жадвал 3.1

Кобальт (II) ацетатиинг комплекс бирикмаларини диффуз кайтарилиш спектрлари натижалари

№№	Бирикма	${}^6A_1(S)$					
		${}^4T_1({}^4F) \rightarrow$ ${}^4T_2q, \text{ см}^{-1},$ $\nu_1$	${}^4T_1({}^4F) \rightarrow$ ${}^4A_2q, \text{ см}^{-1},$ $\nu_2$	${}^4T_1({}^4F) \rightarrow$ ${}^4T_1q(P), \text{ см}^{-1},$ $\nu_3$	$\nu_2 / \nu_1$	$10Dq =$ $\nu_2 - \nu_1$	$B, \text{ см}^{-1}$
1	$\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{AA} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	8150	16200	19400	1,99	8050	824,5
2	$\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{TK} \cdot \text{AA} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	8200	15300	18010	1,87	7100	724,3
3	$\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{TK} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$	8000	15000	19000	1,88	7000	806,3
4	$\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{TK} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$	8000	14800	18000	1,85	6800	736,7
5	$\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$	7100	14200	19500	2,00	7100	898,0
6	$\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	7500	14500	19000	1,93	7000	838,3


ИҚ-спектроскопик, дериватографик ва диффуз қайтарилиш спектрлари натижалари асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин,  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{НК} \cdot \text{АА} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{ТК} \cdot \text{НК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{ТК} \cdot \text{АА} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{НК} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{АА} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли комплекс бирикмаларда марказий атом иккита амид молекуласи, иккита сув молекуласи ва иккита монодентат ацетат гуруҳи қуршовида бўлади.  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{К} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$  ва  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{ТК} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикмаларда кобальт атоми тиокарбамид, никотинамид молекулаларини олтингугурт ва азот атомлари, бир молекула, ва битта монодентат ва битта бидентат ацетат гуруҳи қуршовида бўлади.  $\text{Co}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{К} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикмада ҳам иккита бидентат ацетат иони ва иккита молекула амид ёрдамида кобальт ионини олти координацион қуршовига эга. 0,5  $\text{H}_2\text{O}$  водород боғи ҳисобига ушлаб турилади ва нисбатан паст ҳароратда ажралади.

## **3.2. НИКЕЛЬ (II) АЦЕТАТИИИГ ТУРЛИ АМИДЛИ КООРДИНАЦИОИ БИРИКМАЛАРИ ТАҲЛИЛ**

### **3.2.1. Никель (II) ацетатни псевдоамидли комплекс бирикмаларини рентгенфазавий таҳлили**

Ацетамид, карбамид, тиокарбамид ва уларнинг никель ацетат билан олдиндан маълум комплекслари, шунингдек янги синтез қилинган кобальт (II) ацетатни псевдоамидли комплексларини текисликлараро масофаси ва нисбий интенсивликларини таққослаш кўрсатишича, улар бир-биридан фарқ қилади, демак, псевдоамидокомплекслар индивидуал кристалл панжарага эга

Расм 3.1. да никел(II) ацетатнинг ацетамид ва никотинамид билан ҳосил қилган комплекс бирикмаси, никел(II) ацетат, ацетамид молекуласи ва никотинамидларнинг рентгенограммалари келтирилган.



Рисм. 3.1. Рентгенограммалар;  
 $\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$  (1),  $\text{CH}_3\text{CONH}_2$  (2),  
 $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2$  (3),  $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$  (4).

Эркин амид молекулалари, никель (II) ацетат ва никель (II) ацетатнинг ацетамид ва никотинамид билан аралаш амидли комплекс бирикмаларининг рентгенограммаларидан кўриниб турибдики, эркин амидлар никель (II) ацетат билан координирланган ҳолатга ўтиши билан уларнинг текисликлар аро масофалари ҳамда поласаларнинг нисбий интенсивликлари сезиларли даражада ўзгарган. Бу эса ўз навбатида янги кимёвий бирикма ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

### 3.2.2. Никель (II) ацетатини псевдоамидли комплекс бирикмаларини ИҚ-спектроскопик таҳлил қилиш

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{HK} \cdot \text{H}_2\text{O}$  таркибли комплекс бирикманинг ИҚ-спектрлари куйидаги частоталар билан характерланади ( $\text{cm}^{-1}$ ):

3465 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3418 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK,AA</sub>, 3237 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, HK</sub>, **1720 -  $\nu$  (CO)<sub>HK</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, **1656 -  $\nu$  (CO)<sub>AA</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1622 -  $\delta$  (НОН)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 1619 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, HK</sub>, 1572 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), 1562 -  $\nu_{\text{as}}$  (NO<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, **1478 -  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>**, **1406 -  $\nu_s$  (COO)**,  $\nu$  (CN)<sub>AA</sub>, 1352 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA</sub>,  $\nu_s$  (NO<sub>2</sub>)<sub>NK</sub>, 1143 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1089 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 1060 -  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>, 1028 -  $\rho$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA</sub>, **967 -  $\nu$  (CC)<sub>ац.</sub>**,  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>, 913 -  $\nu$  (CC)<sub>AA</sub>, 885 -  $\nu$  (CC)<sub>AA</sub>, 830 -  $\nu$  (CC)<sub>AA</sub>, 751 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 677 -  $\delta$  (COO)<sub>ац.</sub>, 623 -  $\delta$  (NCO)<sub>HK</sub>, 549 -  $\delta$  (NCO)<sub>AA</sub>, 461 -  $\delta$  (CCN)<sub>AA</sub>.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK} \cdot \text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикманинг ИҚ-спектрларида 3475 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3386 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA,TK</sub>, 3278 -  $\nu_s$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, 3178 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA,TK</sub>, 1678 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>,  $\delta$  (HNC)<sub>TK</sub>, **1653 -  $\nu$  (CO)<sub>AA</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1616 -  $\delta$  (НОН)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1541 -  $\nu$  (COO), 1478 -  $\nu$  (CN)<sub>TK</sub>, **1417 -  $\nu$  (CN)<sub>AA</sub>**,  $\nu_s$  (COO), 1354 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA</sub>,  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>ац.</sub>, 1125 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1089 -  $\nu$  (CN)<sub>TK</sub>, 1035 -  $\rho$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA</sub>, **967 -  $\nu$  (CC)<sub>ац.</sub>**, 907 -  $\nu$  (CC)<sub>AA</sub>, 826 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, **724 -  $\nu$  (CS)<sub>TK</sub>**, 677 -  $\delta$  (COO), 624 -  $\delta$  (CS)<sub>TK</sub>, 549 -  $\delta$  (NCO)<sub>AA</sub>, 488 -  $\delta$  (NCN)<sub>TK</sub>, 467 -  $\delta$  (CCN)<sub>AA</sub>, 417 -  $\delta$  (NCS)<sub>TK</sub> частоталар кузатилади.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикманинг ИҚ-спектрлари 3460 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3396 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA,АНК</sub>, 3199 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, АНК</sub>,

1674 -  $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, **1652** -  $\nu$  (CO)<sub>АА</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АА</sub>, 1625 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АА,АНК</sub>,  
 $\delta$  (НОН)<sub>Н<sub>2</sub>О</sub>, **1600** -  $\nu_K$ , 1550 -  $\nu_{as}$  (COO), 1500 -  $\nu_K$ , 1440 -  $\nu_s$  (COO),  
**1421** -  $\nu$  (CN)<sub>АА</sub>,  $\nu_s$  (COO), 1342 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>АА</sub>, 1201 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  
 1152 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АА</sub>, 1113 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **1063** -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  
 $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>, **1033** -  $\nu_K$ , 990 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>, **953** -  $\nu$  (CC)<sub>аи.</sub>, 911 -  $\nu$  (CC)<sub>АА</sub>,  
 830 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub>, 790 -  $\nu$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 750 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  
**706** -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, **674** -  $\delta$  (COO),  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, 622 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, 554 -  $\delta$  (NCO)<sub>АА</sub>,  
 475 -  $\delta$  (CCN)<sub>АА</sub> даги частоталар билан тавсифланади.

Ni(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub>·K·АНК·Н<sub>2</sub>О таркибли комплекс бирикманинг ИҚ-  
 спектрида 3445 -  $\nu$  (ОН)<sub>Н<sub>2</sub>О</sub>, 3425 -  $\nu_{as}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>К</sub>, 3355 -  $\nu_{as}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 3280 - 2 $\delta$   
 (NH<sub>2</sub>)<sub>К</sub>, 3203 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 1678 -  $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, **1673** -  $\nu$  (CO)<sub>К</sub>,  $\delta$   
 (NH<sub>2</sub>)<sub>К</sub>, 1611 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>К,АНК</sub>,  $\delta$  (НОН)<sub>Н<sub>2</sub>О</sub>, **1600** -  $\nu_K$ , 1590 -  $\nu_K$ , 1580 -  $\nu_{as}$  (COO),  
 1480 -  $\nu_K$ , **1476** -  $\nu$  (CN)<sub>К</sub>, 1420 -  $\nu_s$  (COO), 1342 -  $\nu$  (CN)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>аи.</sub>, 1201 -  $\delta$   
 (CCN)<sub>АНК</sub>, 1160 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 1120 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **1050** -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  $\nu_K$ , **1032** -  
 $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>К</sub>,  $\nu_K$ , 980 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>, **948** -  $\nu$  (CC)<sub>аи.</sub>, 911 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>, 837 -  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub>,  
 790 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>К</sub>, **706** -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, 673 -  $\delta$  (COO), **622** -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>,  
 600 -  $\delta$  (CNC)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NCO)<sub>К</sub>, 535 -  $\delta$  (NCN)<sub>К</sub>,  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub> частоталар  
 аниқланган.

Ni(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub>·АНК·НК·Н<sub>2</sub>О бирикманинг ИҚ-спектри 3474 -  $\nu$  (ОН)<sub>Н<sub>2</sub>О</sub>,  
 3400 -  $\nu_{as}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>НК</sub>, 3361 -  $\nu$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 3240 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>НК</sub>, 3199 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>,  
**1720** -  $\nu$  (CO)<sub>НК</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>НК</sub>, 1675 -  $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 1612 -  $\delta$   
 (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК,НК</sub>,  $\delta$  (НОН)<sub>Н<sub>2</sub>О</sub>, **1600** -  $\nu_K$ , 1572 -  $\nu$  (NO<sub>2</sub>)<sub>НК</sub>, 1544 -  $\nu_{as}$  (COO)<sub>аи.</sub>, **1477** -  
 $\nu$  (CN)<sub>НК</sub>, 1421 -  $\nu_s$  (COO), 1344 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>аи.</sub>, 1201 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1107 -  $\rho$   
 (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 1064 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  $\nu$  (CN)<sub>НК</sub>, **1043** -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>,  $\nu_K$ , **1032** -  $\nu_K$ ,  $\delta$   
 (CCN)<sub>АНК</sub>, **965** -  $\nu$  (CC)<sub>аи.</sub>, 911 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>, 826 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub>, 788 -  
 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>НК</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **706** -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, 678 -  $\delta$  (COO)<sub>аи.</sub>, **621** -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, 550  
 -  $\delta$  (NCO)<sub>НК</sub>, 481 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub> даги частоталар билан  
 характерланади.

Ni(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub>·ТК·АНК·Н<sub>2</sub>О таркибли комплекс бирикманинг ИҚ-  
 спектрида 3468 -  $\nu$  (ОН)<sub>Н<sub>2</sub>О</sub>, 3485 -  $\nu_{as}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>ТК</sub>, 3345 -  $\nu$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 3280 -  $\nu_s$

$(\text{NH}_2)_{\text{TK}}$ , 3180 -  $2\delta$   $(\text{NH}_2)_{\text{TK,АНК}}$ , 1684 -  $\nu$   $(\text{CO})_{\text{АНК}}$ ,  $\delta$   $(\text{NH}_2)_{\text{АНК}}$ , 1674 -  $\delta$   $(\text{NH}_2)_{\text{TK}}$ ,  
 $\delta$   $(\text{HCN})_{\text{TK}}$ , 1625 -  $\delta$   $(\text{NH}_2)_{\text{АНК}}$ ,  $\delta(\text{HOH})_{\text{H}_2\text{O}}$ , **1600 -  $\nu_{\text{K}}$** , 1579 -  $\nu_{\text{K}}$ , 1563 -  $\nu_{\text{as}}$   
 $(\text{COO})$ , 1544 -  $\nu_{\text{K}}$ , 1500 -  $\nu_{\text{K}}$ , 1476 -  $\nu$   $(\text{CN})_{\text{TK}}$ , 1457 -  $\nu_{\text{K}}$ , 1419 -  $\nu_{\text{s}}$   $(\text{COO})$ ,  $\nu$   
 $(\text{CN})_{\text{АНК}}$ , 1343 -  $\delta$   $(\text{CH}_3)_{\text{ан.}}$ , 1201 -  $\delta$   $(\text{CCN})_{\text{АНК}}$ , 1086 -  $\delta$   $(\text{CCN})_{\text{АНК}}$ ,  $\nu$   $(\text{CO})_{\text{АНК}}$ ,  $\nu$   
 $(\text{CN})_{\text{TK}}$ , **1049, 1026 -  $\nu_{\text{K}}$** ,  **$\delta$   $(\text{CCN})_{\text{АНК}}$** , **964 -  $\nu$   $(\text{CC})_{\text{ан.}}$** , 911 -  $\nu$   $(\text{CC})_{\text{АНК}}$ ,  $\delta$   
 $(\text{CCC})_{\text{АНК}}$ , 831 -  $\nu$   $(\text{CC})_{\text{АНК}}$ , 789 -  $\rho$   $(\text{NH}_2)_{\text{TK}}$ ,  $\delta$   $(\text{CCN})_{\text{АНК}}$ , **726 -  $\nu$   $(\text{CS})_{\text{TK}}$** , **707 -  $\delta$**   
 **$(\text{CO})_{\text{АНК}}$** , 678 -  $\delta$   $(\text{COO})$ , **622 -  $\delta$   $(\text{CS})_{\text{TK}}$** ,  $\delta$   $(\text{NCS})_{\text{TK}}$ ,  **$\delta$   $(\text{CO})_{\text{АНК}}$** , 485-  $\delta$   $(\text{NCN})_{\text{TK}}$ ,  
439 -  $\delta$   $(\text{NCS})_{\text{TK}}$  даги частоталар аниқланган.

АА, К, ТК, АНК ларнинг координацияланмаган молекулалари ва уларнинг никель (II) ацетати билан аралашлигандли бирикмаларининг ИҚ-спектрларини таққослашда координирланган ҳолатга ўтганда амидларнинг айрим частоталарини қийматлари ўзгариши кузатилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, никель (II) ацетатни аралашлигандли комплексларини спектрлари мураккаблиги туфайли айрим кузатилган частоталарни мос гуруҳларни тебранишларига боғлаш имкони бўлмади. Аммо юқори сезгир қурилмадан фойдаланиш ва спектрларни чуқур таҳлил қилиш натижасида координацияланган молекулаларни характеристик частоталари ўзгаришини баҳолаш, бунинг натижасида амидларни координацияланиш усулларини аниқлаш имкони туғилди.

Никел (II) ацетатнинг ацетамидли ва карбамидли комплексларида  $\text{C}=\text{O}$  боғнинг валент тебранишлари 3-9, 5 ва 15-55  $\text{cm}^{-1}$  га пасайса, мос равишда ацетамид ва карбамид учун  $\text{C}-\text{N}$  боғнинг валент тебранишлари АА, К учун 11-25, 14-19  $\text{cm}^{-1}$  га ошади. Тиокарбамидли комплексларда 1413  $\text{cm}^{-1}$  да частота ўзгаришини кузатиш имконияти йўқ, чунки у ацетат гуруҳининг кенг чизиғи билан қопланади. Аммо спектрни паст частотали соҳасида  $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$  нинг 730 ва 630  $\text{cm}^{-1}$  даги частоталарини 43-44 га пасайиши кузатилади. Спектрда частоталарнинг бундай ўзгаришини фақат тиокарбамид никель атоми билан олтингугурт орқали координацияланиши билан тушунтириш мумкин. Никотинамиднинг эркин молекуласида халқа частотаси 1594  $\text{cm}^{-1}$  да кузатилади, комплексларда эса бу частота 2-8  $\text{cm}^{-1}$  га ошган. 1029 ва 703  $\text{cm}^{-1}$

даги халқа тебранишларига тегишли ютилиш частоталари комплексларда парчаланган ва юкори частотали компонента пайдо бўлади. Ушбу ўзгаришлар ннкотннамнд ннкель билан пиридин халқаси азотн орқали коордннацияланншидан дарак бериши мумкнн. Ацетат гуруҳларинн коордннацияланнши ннкель ацетат тетрагидратдаги каби монодентат бўлиб қолади(Илова 1. Жадвал 9.).

### 3.2.3. Никель (II) ацетатии псевдоамидли комплекс бирикмаларини дериватографик ўрганиш

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{K} \cdot \text{AA} \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  комплекс бирикманннг қиздириш эгрнснда  $100^0$ ,  $145^0$ ,  $222^0$ ,  $300^0$  да эндотермнк эффектлар ва  $438^0\text{C}$  да экзотермнк эффект намоён бўлади. Биринчи эндоэффект бир молекула сувнн чиқишига мос келади. Учта молекула сувнн чиқиши ҳароратнн кўтарилишига сабаб бўлади. Кейннги нккнта эндоэффектлар характери ацетамид ва карбамиднн босқичли парчаланиши билан тушунтирнладн. Охирги ннтенснв экзотермнк эффект парчаланишнн тугашига ва термолнз маҳсулотларинн ннкель оксиди ҳосил қилнб ёнишига мос келади.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{TK} \cdot \text{AA} \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  бирикма дериватограммаси ДТА сида  $98^0$ ,  $120^0$ ,  $144^0$ ,  $186^0$ ,  $218^0$ ,  $845^0$  эндоэффектлар ва  $408^0$ ,  $488^0$  ва  $528^0$  С да экзоэффектлар кузатнлган. Биринчи икки эндоэффект икки молекула сувнн чиқишига мос келади. Учннчи эндоэффект комплексни сувснзланишинн билдиради.  $186^0$ ,  $218^0$  даги эндоэффектлар ва  $408^0$  С даги экзоэффект ацетамид молекуласинн чиқиб кетиши, тиокарбамидни коордннацияланган молекуласинн ва боғланган ацетат гуруҳларинн парчаланиши билднрадн.  $488^0$  С даги экзоэффект термолнзнн газснмон маҳсулотларини ёнишига мос келади.  $528^0$  да ннтенснв экзоэффект ҳосил бўлган ннкель сульфиднн ҳаво кислороди билан таъсирлашиб ннкель сульфатга ўтишинн билдиради [142].  $760^0$  С дан юкорида ннкель сульфат ннкель оксиди ҳосил қилиб парчаланади. Бунн  $845^0\text{C}$  да пайдо бўлган экзотермнк эффектдан кўриш мумкнн.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{АНК} \cdot \text{АА} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  бирикманинг қиздириш эгрлари  $138^0$ ,  $180^0$ ,  $250^0$ ,  $282^0$  даги эндоэффектлар ва  $405^0$ - $597^0\text{C}$  даги иккита экзотермик эффектлар билан характерланади. Биринчи эндоэффектни пайдо бўлиши икки молекула сув ажралиши билан боради. Кейинги икки эндоэффект координацияланган ацетамид молекуласини чиқишига мос келади.  $282^0$  даги эндоэффект бўлиши ацетат гуруҳни ва координацияланган никотинамидни парчаланишига боғлиқ бўлади.  $405^0\text{C}$  даги интенсив экзотермик эффект бўлиши комплекс молекуласини органик қисми парчаланиши тугашига ва термолизни газсимон маҳсулотларини ёнишига мос келади. Охирги кам интенсив экзоэффект термолиз маҳсулотини ҳаво кислороди билан таъсирлашуви ҳисобига боради.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{АНК} \cdot \text{К} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикманинг қиздириш ДТА си  $138^0$ ,  $223^0$ ,  $282^0$ ,  $790^0$  эндоэффектлар ва  $464^0\text{C}$  экзоэффектга эга, уларнинг биринчиси икки молекула сув чиқишига мос келади.  $108^0$ - $156^0\text{C}$  оралиғида масса йўқотилиши  $9,02\%$ , ҳисобланган  $9,13\%$ . Кейинги икки эндоэффектлар характери координацияланган карбамид, никотинамид ва ацетат гуруҳларни деструкцияси ҳисобига сувсиз комплексни парчаланиши билан тушунтирилади.  $464^0\text{C}$  даги юқори интенсив экзотермик эффект бир вақтда парчаланишга ва термолиз маҳсулотларини ёнишига мос келади. Охирги эндоэффект бир фоиз йўқотилиш билан боради.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{АНК} \cdot \text{НК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  комплекс бирикманинг қиздириш эгриси  $132^0$ ,  $208^0$ ,  $290^0$ ,  $328^0$ ,  $375^0$  да эндотермик эффектлар ва  $519^0$  ҳамда  $730^0\text{C}$  да иккита экзотермик эффектга эга, уларнинг биринчиси икки молекула сувни чиқишига мос келади. Кейинги эндоэффектлар нитрокарбамид, никотинамид ва ацетат гуруҳни босқичли парчаланиши билан боради. Интенсив экзотермик эффектни пайдо бўлиши комплексни органик қисмини парчаланиши ва термолиз маҳсулотларини ёниши билан боғлиқ.  $730^0$  даги охирги экзоэффект массани кам йўқотилиши билан боради.

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{АНК} \cdot \text{ТК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли комплекс бирикманинг қиздириш эгрисида  $130^0$ ,  $160^0$ ,  $170^0$ ,  $185^0$ ,  $220^0$  ва  $848^0$  да эндоэффектлар

хамда 279<sup>0</sup>, 420<sup>0</sup>, 490<sup>0</sup>, 562<sup>0</sup> ва 662<sup>0</sup>С да экзоэффектлар кузатилади. Биринчи икки эндотермик эффект табиати бир молекула сувни чиқиши билан боғлиқ. Кейинги эндоэффектлар характери координацияланган тиокарбамид, ннкотинамид ва нкнта боғланган ацетат гуруҳини босқичли парчаланиши билан мос бўлади. Кейинги тўртта экзотермик эффектни пайдо бўлиши комплексни органик қисмиини парчаланиши давом қилиши ва термоліз маҳсулотлари ёнишига хос бўлади. 662<sup>0</sup>С даги экзоэффект никель сульфат ҳосил бўлишига мос келади. Охириги 848<sup>0</sup>С даги экзотермик эффект никель сульфатни парчаланиб никель оксидига ўтиши билан тушунлади.

Никель ацетатни нкнта турли амидлар билан комплекс биринкмаларини термик таҳлил қилиш натижасида комплексларни термик хоссалари апикал лигандлар табиатига, бирикма таркибига, координацияланган усулига ва никель иониини геометрик конфигурациясига боғлиқлиги аниқланди.

### **3.2.4. Никель (II) ацетатини $Ni(CH_3COO)_2 \cdot K \cdot ANK \cdot 2H_2O$ таркибли псевдоамидли комплекс бирикмасини квант-кимёвий ҳисоблаш**

Полифункционал лигандларни донор атомларини рақобатли координациясини ўрганиш координатсион кимёнинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Ушбу муаммонни тўлиқ ечиш учун кўп миқдорда ҳаражат ва вақт талаб қилади. Шунинг учун ҳозирги вақтда лигандларни донор марказларини реакция қобилиятини башорат қилиш учун электрон тузилишини таҳлил қилиш ва ҳисоблашни квант кимёвий усулларига катта эътибор қаратилмоқда. Аниқланишича, органик молекулалар конформациясини ўзгариши ва лигандларни координацияланган ҳолатга ўтиши атомларда зарядларни сезиларли қайта тақсимланишига олиб келади ва чегара орбиталлар энергиясига таъсир қилади, бу эса реакция қобилиятни ва танланган полифункционал органик бирикмаларнинг ўсимликларни ўстирувчи хоссаларини кучайтиришни ростлашга имкоини яратади.

Шунинг учун бизнинг тадқиқот объектлари сифатида никель ва рух ацетатларини ацетамид, карбамид, никотинамид билан псевдоамидли комплекслари олинди.

Ҳисоблашлар ярим эмпирик усул hyperChem 7.5 да PM3 яқинлашувида олиб борилган. Никель комплекси учун умумий ҳисобланган орбиталлар сони 44 тани ташкил қилди.

Оптималлашган энергетик параметрлар – ҳосил бўлиш иссиқлиги, электрон энергияси, тўлиқ энергия, ядроларни итарилиш энергияси, изолирланган атом энергия ва диполь моментлар жадвал 3.2. да келтирилган.

Ҳосил бўлиш энергияси, боғ энергияси, тўлиқ энергия ва диполь момент қийматлари тахлили кўрсатишича, марказий атом, бир лиганд табиати ўзгариши ва молекуляр массани ортиши билан юқоридаги кўрсаткичлар ҳам ортиб боради. Электрон энергия, ядроларни итарилиш энергияси ва изолирланган атомлар энергиялари эса никель комплексида рух комплексига ўтишда пасаяди.

Атомларда зарядларни ҳисоблаш натижалари ва молекуладаги атомлар координаталари илова 1, жадвал 4 да келтирилган. Ацетамид, карбамид ва никотинамид молекулалари эркин ҳолдан координацияланган ҳолатга ўтишда электрон зичлик мос равишда никель ва рух атомларига силжиши туфайли атомларда заряд тақсимланиши сезиларли ўзгаради.

Иккала комплексни координацион тугунлари тригонал бипризма характерга эга бўлади (илова 2. Расм 7,8).

Шундай қилиб, квант кимёвий тадқиқотлар асосида ацетамид, карбамид ва никотинамид молекулалари координацияланган ҳолатга ўтишида электрон зичлик металл атоми томон силжиши натижасида атомларида зарядлар ўзгариши содир бўлиши кузатилди. Ҳисоблаб топилган энергетик ва геометрик параметрлар маълумотнома шаклида ишлатилади. Координацион тугун геометрияси аниқланган ва улар дастлабки никель ацетат тетрагидратдан кескин фарқ қилиши кўрсатилди.

Жадвал 3.2

$\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  бирикмасини энергетик кўрсаткичларини оптималлашган қийматлари


Энергетик катталиклар номи	Ўлчов бирлиги	Бирикма $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$
Ҳосил бўлиш иссиқлиги	Ккал/моль	-7775,068
Электрон энергияси	Ккал/моль	1184419,566
Тўлиқ энергия	Ккал/моль	-11728,170
Ядроларни итарилиш энергияси	Ккал/моль	992929,615
Боғ энергияси	Ккал/моль	-11728,170
Изолирланган атомлар энергияси	Ккал/моль	-179761,781
Дипол моменти	Дебай	13,396

ИҚ-спектроскопик, дериватографик ва квант-кимёвий тадқиқотлар асосида аниқланишича,  $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK} \cdot 4\text{H}_2\text{O}$ ,  
 $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{K} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  
 $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{TK} \cdot \text{АНК} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Ni}(\text{CH}_3\text{COO})_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot 0,5\text{H}_2\text{O}$  таркибли комплекс бирикмаларда марказий атом монодентат ацетат гуруҳларни иккита ва иккита сув молекулаларини иккита кислород атоми ҳамда иккита лигандларни турли молекулалари билан ўралган бўлади. Тўрт молекула сув тутган комплексларда эса икки молекула сув водород боғлар ҳисобига ушлаб турилади.

### **3.3. МИС (II) АЦЕТАТИИИГ ПСЕВДОАМИДЛИ КООРДИНАЦИОИ БИРИКМАЛАРИ ТАХЛИЛИ**

#### **3.3.1. Мис (II) ацетатни псевдоамидли комплекс бирикмаларини реитгенфазавий таҳлили**

Ацетамид, карбамид, тиокарбамид, никотинамид ва уларнинг мис(II) ацетат билан олдиндан маълум комплекслари, шунингдек янги синтез қилинган мис (II) ацетатни псевдоамидли комплекс бирикмаларини текисликлараро масофалари ва нисбий интенсивликларини таққослаш кўрсатишича, улар бир-биридан кескин фарқ қилади, демак, псевдоамидокомплекслар индивидуал кристалл панжарага эга.



Расм. 3.2. Рентгенограммалар;  
 $\text{CH}_3\text{CONH}_2$  (1),  $\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$  (2),  
 $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  (3),  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$  (4).

### 3.3.2. Мис (II) ацетатии псевдоамидли комплекс бирикмаларининг ИҚ-спектроскопик тахлили

Комплекс бирикма  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{AA} \cdot \text{HK} \cdot \text{H}_2\text{O}$  нинг ИҚ-спектрлари 3448 –  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3427 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 3385 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 3271 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 3189 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, **1689 -  $\nu$  (CO)<sub>HK</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, **1652 -  $\nu$  (CO)<sub>AA</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1616 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, HK</sub>,  $\delta$  (HOH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 1582 -  $\nu$  (NO<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 1541 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), **1472 -  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>**, 1447 -  $\nu_{\text{s}}$  (COO), **1420 -  $\nu$  (CN)<sub>AA</sub>**, 1346 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA, \text{aи.}}</sub>, 1310 -  $\nu_{\text{s}}$  (NO<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 1183 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1096 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 1027 -  $\rho$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA</sub>, **948 -  $\nu$  (CC)<sub>\text{aи.}}</sub>**, 913 -  $\nu$  (CC)<sub>AA</sub>, 791 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 690 –  $\delta$  (COO)<sub>\text{aи.}}</sub>, 629 -  $\delta$  (NCO)<sub>HK</sub>, 528 -  $\delta$  (NCO)<sub>AA</sub>, 481 -  $\delta$  (CCN)<sub>AA</sub> частоталар билан характерланади (илова 2, расм 13,14).

$\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли комплекс бирикманинг ИҚ-спектрида 3416 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3382 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, TK</sub>, 3334 -  $\nu_{\text{s}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, 3234 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1665 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, **1652 -  $\nu$  (CO)<sub>AA</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1612 -  $\delta$  (HOH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 1607 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1563 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), 1513, 1481 -  $\nu$  (CN)<sub>TK</sub>, 1421 -  $\nu_{\text{s}}$  (COO), **1402 -  $\nu$  (CN)<sub>AA</sub>**, 1337 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA, \text{aи.}}</sub>, 1102 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1035 -  $\rho$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA</sub>, **948 -  $\nu$  (CC)<sub>\text{aи.}}</sub>**, 897-  $\nu$  (CC)<sub>AA</sub>, 812-  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, **690 -  $\nu$  (CS)<sub>TK</sub>**, 665 -  $\delta$  (COO), **627 -  $\delta$  (CS)<sub>TK</sub>**, 569 -  $\delta$  (NCO)<sub>AA</sub>, 461 -  $\delta$  (NCN)<sub>TK</sub>, 454-  $\delta$  (NCS)<sub>TK</sub> частоталар кузатилади.

Комплекс бирикма  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{AA} \cdot \text{AHK}$  нинг ИҚ-спектрлари 3542 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3375 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, AHK</sub>, 3307 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3250 -  $\nu_{\text{s}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AHK</sub>, 3225 - 2 $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, AHK</sub>, 1689 -  $\nu$  (CO)<sub>AHK</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AHK</sub>, **1652 -  $\nu$  (CO)<sub>AA</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1617 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA, AHK</sub>,  $\delta$  (HOH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, **1600 -  $\nu_{\text{K}}$** , 1574 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), 1515 -  $\nu_{\text{K}}$ , 1437 -  $\nu_{\text{s}}$  (COO),  $\nu_{\text{K}}$ , **1406 -  $\nu$  (CN)<sub>AA</sub>**, 1350 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>AA, \text{aи.}}</sub>, 1201 -  $\delta$  (CCN)<sub>AHK</sub>, 1152 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AA</sub>, 1133 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>AHK</sub>, 1100 -  $\delta$  (CCN)<sub>AHK</sub>, **1052 -  $\nu_{\text{K}}$** ,  **$\delta$  (CCN)<sub>AHK</sub>**,  $\nu$  (CO)<sub>AHK</sub>, **1030 -  $\nu_{\text{K}}$** , 980 -  $\nu$  (CC)<sub>AHK</sub>, **950 -  $\nu$  (CC)<sub>\text{aи.}}</sub>**, 842 -  $\nu$  (CC)<sub>AHK</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>AHK</sub>, 797 -  $\nu$  (CCN)<sub>AHK</sub>, 763 –  $\delta$  (CCN)<sub>AHK</sub>, **708 -  $\delta$  (CO)<sub>AHK</sub>**, 686 -  $\delta$  (COO), **627 -  $\delta$  (CO)<sub>AHK</sub>**, 521 -  $\delta$  (NCO)<sub>AA</sub>,

453 -  $\delta$  (CCN)<sub>AA</sub> частота билан характерланади.

$\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{K} \cdot \text{АНК} \cdot \text{H}_2\text{O}$  комплекс бирикманнинг ИҚ-спектрларида 3537 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3450 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K</sub>, 3419 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3387 -  $\nu$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 3320 -  $\nu_{\text{s}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K</sub>, 3263 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K</sub>, 3219 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 1691 -  $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, **1673 -  $\nu$  (CO)<sub>K</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K</sub>, **1614 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K,АНК</sub>**,  $\delta$  (НОН)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>,  $\nu_{\text{K}}$ , 1539 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), 1502 -  $\nu_{\text{K}}$ , **1470 -  $\nu$  (CN)<sub>K</sub>**, 1440 -  $\nu_{\text{s}}$  (COO), 1387 -  $\nu$  (CN)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1356 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>аи.</sub>, 1201 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1146 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК,K</sub>, 1093 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **1053 -  $\nu_{\text{K}}$** ,  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K</sub>, **1033 -  $\nu_{\text{K}}$** ,  **$\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>**, **978 -  $\nu$  (CC)<sub>аи.,АНК</sub>**, 825 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub>, 783 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>K</sub>, 753 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **707 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>**, 688 -  $\delta$  (COO), **646**, 628 -  **$\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>**,  $\delta$  (CNC)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NCO)<sub>K</sub>, 548 -  $\delta$  (NCN)<sub>K</sub>, 481 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub> частоталар аниқланган.

$\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{HK} \cdot \text{АНК} \cdot 3\text{H}_2\text{O}$  таркибли комплекс бирикманнинг ИҚ-спектрлари 3457 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3421 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 3369 -  $\nu$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 3279 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 3200 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, **1683**, 1661 -  **$\nu$  (CO)<sub>HK,АНК</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK,АНК</sub>, 1620 -  $\delta$  (НОН)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK,АНК</sub>, **1608 -  $\nu_{\text{K}}$** , 1563 -  $\nu_{\text{as}}$  (NO<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 1541 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), **1506 -  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>**,  $\nu_{\text{K}}$ , 1441 -  $\nu_{\text{s}}$  (COO),  $\nu_{\text{K}}$ ,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1364  $\nu$  (CN)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1312 -  $\nu_{\text{s}}$  (NO<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, 1201 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1133 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>, **1059 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>**,  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>,  $\nu_{\text{K}}$ , **1033 -  $\nu_{\text{K}}$** ,  **$\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>**, 1000 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>,  $\nu$  (CN)<sub>HK</sub>, **944 -  $\nu$  (CC)<sub>аи.</sub>**, 897, 831 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub>, 810 -  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>HK</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **707 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>**, 691 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>, 649 -  $\delta$  (COO), **628 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>**, 580 -  $\delta$  (NCO)<sub>HK</sub>, 520 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (CCC)<sub>АНК</sub> частоталар билан характерланади.

Комплекс бирикма  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{TK} \cdot \text{АНК} \cdot 4\text{H}_2\text{O}$  нинг ИҚ-спектрини ютилиш соҳасида 3538, 3416 -  $\nu$  (OH)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>, 3380 -  $\nu_{\text{as}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, 3317 -  $\nu$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>, 3265 -  $\nu_{\text{s}}$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, 3215 -  $2\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK,АНК</sub>, 1692 -  $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК,TK</sub>, **1614 -  $\delta$  (НОН)<sub>H<sub>2</sub>O</sub>**,  $\delta$  (NH<sub>2</sub>)<sub>АНК</sub>,  $\nu_{\text{K}}$ , 1562, 1544 -  $\nu_{\text{as}}$  (COO), 1502 -  $\nu_{\text{K}}$ ,  $\nu$  (CN)<sub>TK</sub>, 1446, 1423 -  $\nu_{\text{s}}$  (COO), 1386 -  $\nu$  (CS)<sub>TK</sub>, 1357 -  $\delta$  (CH<sub>3</sub>)<sub>аи.</sub>, 1201 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1133 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, 1093 -  $\nu$  (CN)<sub>TK</sub>,  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>,  $\nu$  (CO)<sub>АНК</sub>, **1053**, **1032 -  $\nu_{\text{K}}$** ,  **$\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>**, 1009 -  $\nu$  (CC)<sub>АНК</sub>, **964 -  $\nu$  (CC)<sub>аи.</sub>**, 784 -  $\rho$  (NH<sub>2</sub>)<sub>TK</sub>, 757 -  $\delta$  (CCN)<sub>АНК</sub>, **709 -  $\delta$  (CO)<sub>АНК</sub>**, **689 -  $\nu$  (CS)<sub>TK</sub>**, 650 -  $\delta$  (COO), **622 -  $\delta$  (CS)<sub>TK</sub>**,  $\delta$

$(\text{CO})_{\text{АНК}}$ , 521 -  $\delta$   $(\text{CO})_{\text{АНК}}$ ,  $\delta$   $(\text{CCC})_{\text{АНК}}$ , 487 -  $\delta$   $(\text{NCN})_{\text{ТК}}$ , 420 -  $\delta$   $(\text{NCS})_{\text{ТК}}$  частоталар аниқланган.

АА, К, ТК, НК, АНК ларнинг координацияланмаган молекулалари ва уларнинг мис (II) ацетати билан аралашлигандли бирикмаларининг ИҚ-спектрларини такқослашда координирланган ҳолатга ўтганда амидларнинг айрим частоталарини қийматлари ўзгариши кузатилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, мис (II) ацетатни аралашлигандли комплексларини спектрлари мураккаблиги туфайли айрим кузатилган частоталарни мос гуруҳларни тебранишларига боғлаш имкони бўлмади. Аммо юқори сезгир қурилмадан фойдаланиш ва спектрларни чуқур таҳлил қилиш натижасида координацияланган молекулаларни характеристик частоталари ўзгаришини баҳолаш, бунинг натижасида амидларни координацияланиш усулларини аниқлаш имкони туғилди.

Карбамидли ва нитрокарбамидли комплексларида  $\text{C}=\text{O}$  боғнинг валент тебранишлари 2-8, ва 25-65  $\text{см}^{-1}$  га пасайса. Ацетамидли комплексларда ушбу чизик бошқа карбонил гуруҳлар чизиклари билан тўсилади. Шу вақтда  $\text{C}-\text{N}$  боғнинг валент тебранишлари АА, К ва НК учун 7-40, 6-16 и 12-48  $\text{см}^{-1}$  га ошади, тиокарбамидли комплексларда 1413  $\text{см}^{-1}$  да частота ўзгаришини кузатиш имконияти йўқ, чунки у ацетат гуруҳининг кенг чизиғи билан қопланади. Аммо спектрни паст частотали соҳасида  $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$  нинг 730 ва 630  $\text{см}^{-1}$  даги частоталарини 41-43 ва 8-10  $\text{см}^{-1}$  га пасайиши кузатилади. Спектрда частоталарнинг бундай ўзгаришини фақат тиокарбамид мис атоми билан олтингугурт орқали координацияланиши билан тушунтириш мумкин. Никотинамиднинг эркин молекуласида халқа частотаси 1594  $\text{см}^{-1}$  да кузатилади, комплексларда эса бу частота 14-23  $\text{см}^{-1}$  га ошган. Шунинг ҳам айтиш керакки, спектрни ушбу соҳасида  $\nu_{\text{ас}}(\text{COO})$  спектрлари ҳам кузатилади, аммо улар  $\nu$  (халқа) ўзгаришини кузатишга ҳалақит бермайди. 1029 ва 703  $\text{см}^{-1}$  даги халқа тебранишларига тегишли ютилиш частоталари комплексларда парчаланган ва юқори частотали компонента пайдо бўлади. Ушбу ўзгаришлар никотинамид мис билан пиридин халқаси азоти орқали

координациялаишидаи дарак бериши мумкии. Ацетат гуруҳлариин координациялаиши дастлабки ацетатдаги каби бидеитат – кўприкли бўлиб қолади [2].

Мис ацетатни тиокарбамид, никотинамид билан  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$  таркибли комплексини энергетик параметрларини оптималлашган қийматлари

Энергетик катталиклар номи	Ўлчов бирлиги	Энергетик катталиклар қиймати
Тўлиқ энергия	Ккал/моль	67,1502
Боғларни умумий энергияси	Ккал/моль	58,0939
Валент бурчаклар энергияси	Ккал/моль	3,3096
Диэдрик бурчаклар энергияси	Ккал/моль	0,1604
Вандервальс таъсирлашуви энергияси	Ккал/моль	5,2371
Электростатик энергия	Ккал/моль	0,0038

### 3.3.3. Мис (II) ацетатини псевдоамидли комплекс бирикмаларини дериватографик тахлил қилиш

Комплекс бирикма  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{HK} \cdot \text{AA} \cdot \text{H}_2\text{O}$  нинг ДТА эгриснда  $133^\circ$ ,  $186^\circ$ ,  $286^\circ$  да эндотермик ва  $276^\circ$ ,  $330^\circ$ ,  $396^\circ$  ва  $460^\circ\text{C}$  да экзотермик эффектлар аниқланган, уларнинг биринчиси бир молекула сув чиқишига мос келади. Қолган термоэффектлар характери координацияланган ацетамид молекуласи ажралишига, нитрокарбамид, ацетат гуруҳларини парчаланишига ва термолізни газ маҳсулотларини ёнишига хос бўлади.

$\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{TK} \cdot \text{AA} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  бирикмени ДТА эгриснда  $125^\circ$ ,  $160^\circ$ ,  $200^\circ$ ,  $243^\circ$ ,  $690^\circ$ ,  $828^\circ$  да эндотермик ва  $378^\circ$ ,  $450^\circ$  ва  $500^\circ\text{C}$  да экзотермик эффектлар аниқланган. Биринчи эндоэффект икки молекула сув чиқишини билдиради. Иккинчи ва учинчи эндоэффектлар координацияланган ацетамид молекуласини ажралишига хос.  $243^\circ\text{C}$  даги эндоэффект координацияланган тиокарбамид молекуласини мис сульфид ҳосил қилиб парчаланишига мос келади. Ушбу экзотермик эффектлар мис сульфат ҳосил бўлишини билдиради.  $690^\circ$  даги эндоэффект масса ўзгаришисиз боради.  $828^\circ\text{C}$  даги эндоэффект характери мис сульфатни мис оксидигача парчаланишини билдиради.

$\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{ANK} \cdot \text{AA}$  бирикмасини ДТА эгриснда  $110^\circ$ ,  $138^\circ$ ,  $220^\circ$ ,  $272^\circ$ ,  $358^\circ$  эндоэффектлар ва  $445^\circ$ ,  $528^\circ$ ,  $670^\circ\text{C}$  да экзоэффектлар кузатилади. Биринчи икки эндоэффект масса камайишисиз боради. Учунчи эндоэффект ацетамид молекуласини парчаланиб бошланиши билан мос келади.  $272^\circ\text{C}$  даги нинтенсив эндотермик эффект координацияланган ацетамид, нитрокарбамид молекулалари ва ацетат гуруҳини бир вақтда парчаланиши бошланишини билдиради. Кейинги термоэффектлар пайдо бўлиши органик компонентларини парчаланиши тугашига ва термоліз маҳсулотларини мис оксиди ҳосил қилиб парчаланишига мос келади.

Комплекс бирикма  $\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{HK} \cdot \text{K} \cdot 3\text{H}_2\text{O}$  нинг қиздириш эгрисни  $140^\circ$ ,  $210^\circ$ ,  $287^\circ$ ,  $538^\circ$ ,  $686^\circ$ ,  $765^\circ$  даги эндоэффектлар ва  $366^\circ$  ҳамда  $410^\circ\text{C}$  даги экзоэффектлар билан характерланади. Биринчи эндоэффект уч молекула

сувни чиқишига мос келади.  $100^0$ - $150^0$ С оралиғида ТГ эгриси бўйича масса йўқотилиши 9,44%, ҳисобланган 9,28%. Кейинги эндотермик ва экзотермик эффектлар табиати координацияланган нитрокарбамид, карбамид молекулаларининг, иккита ацетат гуруҳнинг босқичли парчаланиши ва ёниши, шунингдек термолиз маҳсулотларини оксидланиш билан тушунтирилади. Охирги эндоэффектлар масса ўзгаришисиз боради (илова 2, расм 5,15)

$\text{Cu}_2(\text{CH}_3\text{COO})_4 \cdot \text{АНК} \cdot \text{К} \cdot \text{Н}_2\text{О}$  таркибли комплекс бирикманинг термик хоссалари  $136^0$ ,  $218^0$ ,  $280^0$ ,  $358^0$  даги эндоэффектлар ва  $462^0$ ,  $532^0$ ,  $600^0$  ва  $655^0$ С даги экзотермик эффектлар билан тавсифланади. Биринчи эндоэффектни пайдо бўлишига сув молекуласини ажралиши сабаб бўлади. Кейинги термоэффектлар табиати координирланган карбамид, никотинамид молекулалари, иккита боғланган ацетат гуруҳи парчаланиши ва термопарчаланиш маҳсулотлари ёниши билан тушунтирилади. Термолизни охирги маҳсулоти мис оксиди бўлади.

